БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 23 (4529).

3 ФЕВРАЛЬ ЧОРШАНБА 1971 йил

Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, АСОСИЙ ФОНДЛАР ВА ОБОРОТ МАБЛАҒЛАРИДАН ЯХШИ ФОЙДАЛАНИШ, ФАН ВА ТЕХНИКАНИНГ ЯНГИ ЮТУҚЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЙИЛЛИК ПЛАННИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ 1971 ЙИЛ 27 ДЕКАБРГАЧА БАЖАРАМИЗ, ПЛАНДАГИДАН ТАШҚАРИ ЎНЛАРЧА МИЛЛИОН СУМЛИК МАҲСУЛОТНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛАМИЗ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXIV СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИГАН КУНГАЧА БИРИНЧИ КВАРТАЛ ПЛАНИНИ БАЖАРАМИЗ ВА ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 15 МИЛЛИОН СУМЛИК МАҲСУЛОТ БЕРАМИЗ.

(Тошкент области меҳнаткашларининг 1971 йилги социалистик мажбуриятларидан).

МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва касаба союзлари область Совети Тошкент область шаҳарлари ҳамда Тошкент шаҳар районлари саноат ва қурилиш ташкилотлари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1970 йил тўртинчи квартали якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети ва касаба союзлари область Советининг кўчма Қизил байроғи **Ангрен шаҳрида** (Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитетининг секретари **А. Ғ. Ғуломов**, шаҳар ижроия комитетининг раиси **Н. И. Юрин** ўртоқлар) қолдирилди. Шаҳар меҳнаткашлари саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми бўйича квартал планини 105,4 процент, асосий фондларни ишга туширириш, капитал маблағ сарфлаш ва қурилиш-монтаж ишлари топшириқларининг тўла бажарилишини таъминлаганлар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва касаба союзлари область Совети шаҳар ва район партия комитетлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари, касаба союзларининг область комитетлари, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мусобақани кенг авж олдириш, областимизнинг партия XXIV съездига рапорт бериш ҳуқуқини олиш учун мусобақа бошлаган илғор корхоналари коллективларининг ташаббусини ҳар томонлама кенгайтириш вазифасини юкладилар.

БЎРДОҚИЧИЛАР ЗАФАРИ

Оққўрғон районидаги Свердлов номли колхоз чорвадорлари қишловини намунали ўтказиш билан бирга, давлатга кўплаб гўшт етказиб бермоқдалар. Съездолди вахтасида ишлаётган чорвадорлар бўрдоқига боқилган молларнинг бир қисмини гўштга топшириб, ярим йиллик планни 117 процент бажардилар.

Райондаги «Гулистон» колхози бўрдоқичилари эл дастурхонига 133 центнер гўшт етказиб бериб, ярим йиллик планни январь ойидаёқ ортиги билан адо этишди.

Ғ. ТОЖИБОЕВ.

БИР КОЛХОЗ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ

Утган йили Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозининг сабзавотқорлари, чорвадорлари маҳсулот етиштиришда анча камчиликларга йўл қўйишди. Бунга сабаб мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланмаслик, ерининг қадрига етилмаганлиги, экилган уруғ ва кўчатларнинг сифатсизлиги оқибати бўлди. Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шулар ҳақида кўпчилик гапириб чиқди. Юз берган камчиликларни бартараф этиш учун тадбирлар белгиланди. Айниқса, колхоз механизаторлари шу кунларда кўклам экиш кампаниясига мавжуд техника воситаларини сифатли ремонт қилиб қўйиш учун ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Ремонт да механизаторлардан Омон Дусенов, Раҳим Нигматов ўртоқлар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Юқоридаги суратда, Омон Дусенов культиваторни ремонт қилмоқда. Пастдаги суратда Раҳим Нигматов ўзига биркитилган «Т-28Х» тракторини ремонт ишини тугаллаётир.

Н. АБДУРАСУЛОВ фотолари.

МОСКВАЛИКЛАРДАН ИБРАТ ОЛИБ

Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик фирмасида йил бошидан буён тежаб қолинган газламалардан эркаклар учун мингта пальто тикиш мумкин. Бунга экспериментал цехнинг мастерлари энг катта ҳисса қўшдилар. Улар кийимларни бичишдаги омилкорликлари туфайли янги моделга кўчилганида кетадиган муайян газлама нормасини белгилашда материалдан икки минг метр газламани тежаб қолдилар.

Хом ашёни нормалаш инженери Антонина Антонова раҳбарлик қилаётган группа январь ойида тежамкорлик учун олиб борилган мусобақада голиб чиқди. Эркаклар пальтосининг айрим моделларида улар қўшимча равишда уч сантиметрдан беш сантиметргача газламани тежаб қолишга муваффақ бўлдилар.

Фирма меҳнатчилари Ленин комсомоли номидаги Москва автозаводи коллективининг ташаббусини Ўзбекистонда биринчилар қаторида қўллаб-қувватладилар. Бу коллектив 17 апрелда коммунистик шанбалик ўтказишга, шанбалик куни бажарилган ишга тўланадиган маош ҳақини янги беш йиллик фондига ўтказишга қарор берган эди. Тикувчилар 17 апрель куни юз минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга ва бутун иш ҳақини халқ хўжалиги эҳтиёжига топширишга қарор бердилар.

17 апрель куни фирма «конвейери»дан эркакларнинг, аёлларнинг ва болаларнинг икки ярим мингта пальтоси тахт қилиб чиқарилади. Тикувчилар ана шу буюмларнинг ҳаммасини КПСС XXIV съезди шарафига бошланган меҳнат вахтаси кунларида тежалган газламадан тикишга ахд қилдилар.

ҚИШЛОҚДА ЗАВОД

1-«Далварзин» совхози территориясида «Беларусь» тракторларини ремонт қилувчи замонавий заводнинг катта корпуслари қад кўтарди. Завод йилига 1,6 мингта тракторни ремонт қилиб бераолади. Корхона Мирзачўл қўриғидаги кўпгина совхозларга хизмат қилади.

Қарийб бир гектар майдонни эгаллаган завод техниканинг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланган. Бу ерда компрессор станцияси, сув иситиш қозонлари подстанция қурилган, ҳаво алмаштирадиган система монтаж қилинган. Завод деворлари ва станоклар ёрқин бўёқлар билан бўялган, хоналарга кундузги ёруғлик берувчи чироқлар ўрнатилган.

Ҳозир заводда технология ускуналари ўзлаштирилмоқда. Завод ёнида икки ва тўрт қаватли шинам уй-жой биноларидан иборат ишчилар посёлкаси барпо этилмоқда.

(ЎзТАГ).

СЕРҲОСИЛ ПАХТА НАВЛАРИ

Пахта ҳосилдорлигини кўтаришда маълум бир иқтисодий зона талабига жавоб берадиган навни тўғри танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Янги навларни тўғри танлаш, уруғчилик ишини мунтазам равишда тўғри йўлга қўймасдан туриб, мўътадил юқори ҳосил олиш вазифасини муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди. Янги сортларни танлашда саноат пахта толасига қўйиладиган талабларни ҳисобга олиш, шу нав маълум иқтисодий районнинг тупроқ-иқлим шароитига мослигини эътиборда тутиш керак бўлади. Агротехника тадбирлари тўғри бажарилган ҳолда янги нав ҳосилнинг 85—90 процента совуқ ургунча пишиб етилсагина нав тўғри танланган, деб ҳисобланади. Шимолий ва тоғбағри районларида, шунингдек, ёнгиғарчилик кўп бўладиган ва куз эрта тушадиган жойларда «108-Ф» навига нисбатан 8—10 кун илгари пишадиган пахта навларини танлаб олиш яхши натижа беришини тажриба кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда вилтнинг кўп тарқалаётганлиги бу касалликка чидамли пахта навларини кўплаб яратиш ва жорий этиш вазифасини илгари сурмоқда. Шуни назарда тутиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети 1969 йил 9 декабрда вилтга чидамли навларни катта майдонларга экиш ҳақида қарор қабул қилган эдилар. Шу қарорда пахта-бедани алмашлаб экишга планли равишда ўтишни таъминлаш, вилт кўп тарқалган майдонларга чигитни камроқ экиш ҳисобига уч йиллик беда майдонлари ва янги ўзлаштирилган ерларда чигит экишни кўпайтириш кўзда тутилган эди.

Бу йил Ўзбекистонда 8 та ўрта толали ва 3 та ингичка толали пахта навлари планлаштирилди. Ишлаб чиқаришга бир қатор вилтга чидамли навлар тавсия этилди. Бу навлар ичида «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» алоҳида диққатга сазовордир. Талантли селекционер С. Мираҳмедов томонидан чиқарилган бу навларнинг чигити 8 минг гектарга яқин майдонга экилди. Ҳозирда бу сортлар кенг миқёсда давлат синовидан ўтмоқда. Тажриба шуни кўрсатдики, вилт билан энг кўп зararланган ерларда бу навларни экиб, юқори ҳосил олиш мумкин.

Ингичка толали пахта селекцияси соҳасида ҳам катта тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу соҳада пахта селекцияси ва уруғчилиги институтида Ю. П. Хуторний томонидан олинган «С-6030» нави пахтакорларимиз эътиборини қозонмоқда. Бу нав ҳосилдорлиги ва тезпишарлиги, вилтга чидамлилиги жиҳатидан «108-Ф»га нисбатан анча афзалдир. Унинг чигитлари вилт энг кўп тарқалган майдонларга экилганида ҳам юқори ҳосил олинмоқда. Ингичка толали бу янги нав пахта ўта тезпишар бўлиб, совет ингичка толали пахтачилиги селекциясига қўшилган катта ҳиссадир.

Янги навлар орасида «152-Ф», «153-Ф» навлари ҳам алоҳида ажралиб туради. Вилтга чидамли бу навлар гўзаси тик ўсади, барглари нисбатан кам ва шохлар бўйлаб бир текис жойлашиш хусусиятига эгадир.

Бу йил илғор агротехника қоидаларига амал қилиниб, янги пахта навлари экилган районларда юқори ҳосил етиштиришга муваффақ бўлинди. Пахтакорлар шуни яхши билишадики, ҳар хил пахта навлари суғориш, минерал ўғитлар солиш, чеканкани ўтказиш режалари ва бошқа тадбирларни амалга ошириш вақтидаги ўзгаришларга турлича муносабатда бўлади. Чунончи, «152-Ф» бирмунча қуруқ тупроқ шароитида яхши натижа беради. Бу нав ҳосил олиш учун ҳар гектарга 180—200 килограмм азот, 140—150 килограмм фосфор ва 90—100 килограмм калий ўғитлари солиш мақсадга мувофиқдир. «152-Ф», «С-4829» навлари экилган майдонларга азот ўғитлари турли муддатларда бўлиб-бўлиб берилганда юқори ҳосил етиштириш учун зарур шароит яратилади. Жумладан, кўкламда, экишдан олдин ҳар гектар ҳисобига 50—60 гўза, 2—4 чинбарг чиқарганда 40—50, шохлаётганда 50 ва июль ойининг охирларида 50 килограммдан солинганида энг яхши натижага эришилади.

Калий ўғитларини икки муддатда — ерни шудгорлашдан олдин ёки чигит экишдан олдин ва иккинчи озиқлантириш вақтида тенг бўлиб солиш мақсадга мувофиқдир. Фосфор ўғитларини эса ерни шудгорлашдан ва чигитни экишдан олдин, 1-чигити экилган майдонларда гўза 6—7 чин барг чиқарганда биринчи суғориш ўтказилади. Гуллаш ва қўсаклаш даврида одатда 4 марта суғориш билан қифояланилади. Бир гектар майдонни суғориш нормаси 6—7 минг кубометрни ташкил қилса, кифоя.

Ерости сувлари чуқур жойлашган кулранг тупроқли ерларда «153-Ф» нави 2—4—6 схемаси бўйича суғорилганида яхши натижага эришилади.

Минерал ўғит солиш нормаси тупроқ ҳосилдорлиги ва агрохимия картограммалари маълумотларига қараб белгиланиши керак. 35—40 центнерлик озиқлантириш вақтида бериш мақсадга мувофиқдир.

«Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» навлари озиқлантирилаётганда азот ва фосфор миқдори кенг бўлиши энг яхши натижага олиб келади. Бунда йиллик ўғит нормасининг 30 процентини экишдан олдин, 30 процентини ягона ўтказилгандан сўнг ва 40 процентини гўза гуллаши олдидан бериш лозим.

Вилтга чидамли тезпишар пахта навлари экилган майдонларда парваришни ўтказаётганда гўза тупларининг қалинлигини ҳам назарда тутиш керак. «С-6030» нави экилган майдонларда гўза тупларининг қалинлиги 100—105 мингни ташкил қилиши мақсадга мувофиқдир. Умуман, янги навлар экилганда агротехника тадбирларини белгилаш вақтида хўжаликларнинг конкрет тупроқ иқлим шароити ва табиий-иқтисодий хусусиятлари эътиборга олиниши лозим. Шундагина янги нав гўзаларининг бир текис ривожланиши ва мўл ҳосил тўплаши таъминланади.

КПСС Марказий Комитетининг июль (1970 йил) Пленуми фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни кескин даражада ривожлантириш вазифаларини илгари сурди. Селекционер олимлар партия кўрсатмаларига амал қилиб, серҳосил, тезпишар ва вилтга чидамли пахта навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида тадқиқот ишларини қизғин олиб бормоқдалар.

А. ТИШИН,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати. Пахта селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш институтининг катта илмий ходими.

ФАН ЮТУҚЛАРИ—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий текшириш институти Андижон филиалининг селекционерлари В. Я. Буткова, Л. А. Туркс, А. В. Кимлар томонидан яратилган «159-Ф» нави ҳам диққатга сазовордир. Ўтган йили пахтакорларимиз 135,7 гектар майдонга шу нав чигитини экишди. У гуллаш, кўсак тугиш ва етилиш суръатининг тезлиги билан ажралиб туради.

Пахтакорларимиз «С-4929» навини ҳам синовдан ўтказишаётир. Пахта селекцияси ва уруғчилиги институтида селекционер Б. П. Страумал ва ушбу сатрлар муаллифи томонидан чиқарилган бу нав тезпишарлиги ва вилтга чидамлилиги билан ажралиб туради. У «108-Ф»га нисбатан беш-олти кун барвақт етилади. Кўсакларнинг оғирлиги ҳам 0,4—0,5 грамм кўпдир. Бу нав ҳам гуллаш ва ҳосил тугиши жараёнларининг тез суръатлар билан ўтиши жиҳатидан диққатга сазовор. Ҳосилни машиналар билан териб олиш қулай. Бу йил 1058 гектар майдонда «С-4829» нави экилди.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партиямиз XXIV съездини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаш учун иш суръатига-суръат қўшишмоқда. Суратда: (чапда) смена мастери Т. Сулаймонова ва контролёр Г. Ҳакимова ўртоқлар маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

И. ГЛАУБЕРЗОН,
В. СИРОТКИН фотоси.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЕКОБОД. Илғор У. Бобобеков бошлиқ участка пахтакорлари юбилей йилида мўлжалдагидан анча кўп ҳосил кўтариб, Навоий номли колхознинг планига муносиб ҳисса қўшдилар. Улар шу кунларда янги беш йилликнинг биринчи йили учун пухта замин ҳозирлашаяпти. Сифатли шудгорлаб қўйилган майдонларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари олиб борилаяпти.

А. ЭРГАШЕВ.

* * *

ЯНГИЙЎЛ. Энгельс номли колхозининг уста пахтакори Мирза Адирбеков бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили 140 гектар майдондан пландаги 22 ўрнига 28 центнердан «оқ олтин» кўтардилар. Пахта теримида Иван Киберленко ва Анвар Собитовлар «ХТ—1,2» терим машинаси бункеридан 90—100 тоннадан пахта тўкишган эди. Эндиликда бу бригада аъзолари қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва 1971 йилда мавжуд пахта майдонларидан янада кўпроқ пахта кўтариш имкониятини берадиган тадбирларни амалга оширишаяпти.

М. БОБОЕВ.

УСТОЗ

«Таштекстильмаш» заводи юраги ҳисобланган қуюв цехида 600 га яқин киши меҳнат қилади. Николай Сергеевич ҳам уларнинг бири. Барвастадан келган, қошлари қуюқ, хушчақчақ бу ишчи—заводнинг ветеранларидан бири ҳисобланади.

Кекса ишчи меҳнат фаолиятини дастлаб 1937 йилда «Россельмаш» заводида бошлаган. Уни қуюв цехининг илғор қолипловчиларидан бирига бириктириб қўйишди. Ўқувли бўлгани учун тез орада уни мустақил ишлашга ўтказишди. Ёш қолипловчи йигит бажараётган ҳар бир ишнинг пишиқ-пухта бўлишига интилди.

Шу зайлда орадан йиллар ўтди... у корхонанинг илғор ишчилари сафидан ўрин олди.

1941 йил. Фашист газандалари она-тупроғимизга хиёнаткорона бостириб кирдилар. Мамлакатимизнинг асл фарзандлари урушга сафарбар қилинди. Барча қатори Николай Сергеевич ҳам урушга отланди. Лекин, уни ҳарбий комиссариатда олиб қолиб, вазиятни тушунтирдилар: эндиликда фронт учун кўплаб ҳарбий машина керак. «Россельмаш» заводи Тошкентга эвакуация қилинди. Завод билан бирга кўчиб ишчилар қаторида Николай Сергеевич ҳам шу ерга келди.

Даҳшатли уруш йиллари ортда қолди. Корхона тўқимачилик машиналари ишлаб чиқара бошлади. Корхона қисқа муддат ичида реконструкция қилинди. Тўқимачилик машиналарига бўлган талаб тобора ортиб борди. Бунда оз бўлса-да, завод ветерани Николай Сергеевичнинг ҳам ҳиссаси бор. У «Пескомет» маркали станокни 34 йилдан бери бошқаради. Ветеран ишчи ўтган давр мобайнида қанчадан-қанча ўнлаб ёш ишчиларда бу касбга меҳр уйготди.

Аслида «Пескомет»да тўртта қолипловчи ишлаши керак. Аммо, моҳир ишчи ўзининг янги шогирдлари Турсун Усмонов ва Николай Пушенлар билан тўрт киши нинг ишини бажаришмоқда.

Николай Сергеевичнинг меҳнатини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. Унинг кўксида Ленин ордени порлаб турипти.

Айни кунларда барча ишчи-хизматчилар партиямизнинг навбатдаги XXIV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга интилишяпти. Бу умумҳалқ ташаббусига қўшилган ветеран ишчи зиммасига конкрет мажбуриятлар олди. У съезд очиладиган кунгача ҳар куни нормадагидан икки баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга ва ўнта ёш ишчини ўз ихтисосига ўргатишга ахд қилди. Бу унинг съездга муносиб армуғони бўлади.

А. МУРИЕВ.

СУРИЯ АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАДА

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Сурия Араб Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси 1 февралда расмий визит билан Москвага келди. Сурия Араб Республикасининг бош министри, мудофаа министри, Араб Социалистик уйғониш партияси муваққат маҳаллий раҳбарлиги аъзоси, армия генерали Ҳафиз Асад делегацияга бошчилик қилади.

Сурия Араб Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев ва бошқалар кутиб олишди.

* * *

1 февраль куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин билан Сурия Араб Республикасининг Бош министри, Мудофаа министри ва Араб Социалистик уйғониш партияси муваққат маҳаллий раҳбарлигининг аъзоси Ҳафиз Асад бошчилигидаги Сурия Араб Республикаси партия ҳукумат делегацияси ўртасида музокаралар бўлди.

Дўстлик ва сидқидиллик вазиятида ўтган музокаралар чоғида сиёсий, иқтисодий соҳаларда ва бошқа соҳаларда Совет—Сурия ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан, шунингдек иккала томонни қизиқтирувчи муҳим халқаро проблемалар юзасидан самарали равишда фикрлашиб олинди. Яқин Шарқдаги аҳволга тааллуқли масалалар ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Музокаралар давом эттирилади.

* * *

КПСС Марказий Комитети билан Совет Ҳукумати 1 февралда Кремлда Сурия Араб Республикасининг Бош министри, Мудофаа министри, Араб Социалистик Уйғониш партияси муваққат маҳаллий раҳбарлигининг аъзоси армия генерали Ҳафиз Асад бошчилигидаги партия-ҳукумат делегацияси шарафига зиёфат бердилар.

Совет томонидан зиёфатда А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Б. Н. Пономарев ва бошқа расмий кишилар бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР министрлар советининг раиси А. Н. Косигин меҳмонларга мурожаат қилиб, нутқ сўзлади.

Сўнгра Ҳафиз Асад жавоб нутқи сўзлади.

А. Н. Косигин ва Ҳафиз Асад нутқлари қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

УРАЛДАГИ турбомотор заводи жаҳонда энг йирик ҳисобланган буғда ишлайдиган теплофикацион турбина қурилмасини қўлдан чиқарди. Бу қурилмани Москвага олиб келиш учун 120 темир йўл платформаси лозим бўлади. Суратда: буғда ишлайдиган турбина синаб кўрилмоқда.

А. Грахов фотоси,

Суратда: **ПРИВОЛЖСК** районида газ трубаларини ётқизиш пайти.

Ю. Набатов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

МАВЗУ ВА МАСЪУЛИЯТ

Газета саҳифаларида у ёки бу мавзуни кенг тарғиб қилиш борасида гап кетганда ана шу икки сўзни бир-биридан ажратиб тасаввур этмоқ мумкин эмас. Чунки қаламга олинган ҳар бир мавзу, у катта ёки кичик бўлсин, журналистдан чуқур масъулият, маҳорат ва тезкорликни талаб этади.

Бепоён Ватанимиздаги кўп қиррали ҳаёт, кундалик турмушнинг ўзи матбуот учун туганмас мавзу манбаидир. Муҳим сиёсий-хўжалик вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун эўр кўтаринкилик, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган ишчи, колхозчи, қурувчи, зиёли, хуллас, турли касб соҳибларининг саҳоватли, олийжаноб фазилатлари ва яратувчилик ишларини кенг тарғиб қилиш — матбуотимизнинг жанговар сафидан муносиб ўрин олган район ва шаҳар газеталари журналистларининг ҳам ғоят масъулиятли ва биринчи даражали вазифаларидандир.

Партиямизнинг навбатдаги XXIV съездига тайёргарлик бошланган пайтданоқ бу вазифа янада чуқур, янада муҳим аҳамият касб этди. КПСС XXIV съездига тайёргарликнинг боришини матбуотда кенг ёритиш ҳаёт илгари сурган кун тартибидаги биринчи масалага айланди. Чунки, съезд коммунистларнинггина эмас, балки барча совет халқи ҳаётида ҳам ғоят улкан, муҳим сиёсий тарихий воқеадир.

Съездда ишлаб чиқариш кучларини ўстиришда қўлга киритилган кўрсаткичларга таянган ҳолда, партиямиз томонидан кейинги йилларда амалга оширилган улкан ишларга якун ясалади, янги беш йилликда партия ва барча халқнинг фаолият программаси ишлаб чиқилади, мамлакат тараққиётининг янги-янги истиқболлари очиб берилади.

Ленин юбилейи йилида қўлга киритилган ютуқлар сарҳисобидан ҳаммамиз мамнунмиз. Съезддан съездгача ўтган давр ичида хўжалик ва маданий қурилишда, халқнинг моддий ва маънавий турмушида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Демак, амалга оширилаётган барча идеология ишларимизда, партия ва совет халқи томонидан қилинган шу буюк ўзгаришлар, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати соҳасида қўлга киритган улкан тарихий муваффақиятлари матбуотда ёрқин ифодаланмоғи лозим. Бу ўзига хос улуғвор мавзу эса матбуотимиз зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Дарҳақиқат, «Съезддан-съездгача» рубрикаси остида бериладиган материаллар шу кунларда матбуотимизнинг диққат марказида эканлиги табиий ҳолдир.

Маълумки, район ва шаҳар газеталари кенг ўқувчилар оммаси билан бевосита, яқин алоқа ўрнатганлар. Бу газеталар қишлоқ ва шаҳарлар, корхона ва хўжаликлар ҳаётида рўй бераётган воқеаларга бойлиги билан ўқувчиларга қимматли, қадрдон бўлиб қолган. Ўқувчилар бу оммавий минбар орқали ўз фикр-мулоҳазалари, ўй-кечинмалари билан ўртоқлашишлари, камчилик-нуқсонларни очиб ташлашлари мумкин.

Шубҳасиз, съездга тайёргарлик масаласи район ва шаҳар газеталари журналистларининг ҳам диққат марказида. Қайноқ ҳаётнинг ичида юрган бу камтар қаламкашлар мазкур мавзуни тарғиб қилиш билан бирга ўзлари ҳам тажриба орттирмоқдалар, ўз билимларини бойитмоқдалар.

Бу биринчи галда «Ленинчи» (Калинин райони), «Машъал» (Ўрта Чирчиқ райони), «Суръат» (Юқори Чирчиқ райони), «Ангренская правда» каби газета редакцияларининг ижодий коллективларига таллуқлидир. Бу газеталар саҳифаларини варақласак, съездга тайёргарлик мавзуига масъулият билан ёндошилаётганлиги, кўпчилик материаллар муайян мақсадга йўналтирилаётганлиги кўзга ташланади.

«Машъал»даги ҳозиржавоблик билан «Ленинчи»даги изчилликни алоҳида қайд қилиб ўтсак арзийди. «Машъал» июль Пленуми қарорлари эълон қилинганданоқ сўнг дарҳол оператив план тузди, бунда барча ижодий ходимларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинди. План бўйича дастлаб КПСС «XXIV съезди олдидан» бош мақоласи эълон қилинди. Унда июль Пленуми қарорлари муносабати билан район меҳнаткашлари олдида турган вазифалар қисқа, лўнда ифода этилган. XXIV съездга тайёргарликни авж олдириш юзасидан партия ташкилотлари олдига конкрет вазифалар қўйилди. Шундан сўнг газета «Съезддан-съездгача», «КПСС «XXIV съезди шарафига» ва бошқа рубрикалар остида хабарлар, подборкалар ва саҳифалар бера бошлади.

«Ленинчи» газетаси «Съезддан-съездгача» рубрикаси остида ишлаб чиқариш илғорлари, партия, совет, комсомол раҳбар ходимларига минбар бериб жуда тўғри қилмоқда. Бунда изчилликка қатъий амал қилиняпти. Маълумки, кўпгина хўжаликлар съезд шарафига оширилган мажбуриятлар олдилар, махсус тадбирлар ишлаб чиқдилар. Газета бундай тадбирлардан социалистик мусобақани янада қизитишда усталик билан фойдаланмоқда. КПСС XXIII съездидан бери ўтган давр ичида содир бўлган катта ўзгаришлар айрим хўжаликлар мисолида конкрет ёритиляпти.

ГАЗЕТА ТЕМАСИДА

Маданий қурилиш, қишлоқ хўжалиги, ободончилик, халқ моддий турмушидаги катта ўзгаришлар кўпгина материалларнинг мағиз-мағзига сингиб кетган. «Обод ва кўркам», «Турмушимиз фаровон», «Юксак ўзгаришлар» каби материаллар шулар жумласидандир.

Лекин, бу муҳим мавзуни ёритишда барча газеталар ҳам изчиллик, принципиаллик кўрсатмоқдалар, деб айтолмаймиз.

«Янгийўл» газетасининг ҳозиржавоблиги, воқеаларга ҳушёр муносабати, кўп соҳаларни ёритишдаги пешқадамлиги тез-тез тилга олинарди. Лекин газета бу сафар оперативлик кўрсата олмади. КПСС XXIV съездининг чақирилиши тўғрисидаги қарорга 2—3 та отклик эълон қилиш билан кифояланиб қолинди. Шундан сўнг ўтган вақт ичида «Янгийўл» саҳифаларида бешйиллик якунларига бағишланган ўқимишли, кўзга кўринарли материаллар кам босилди. Узоқ «танаффус»дан сўнг берилаётган материаллар ҳам қўйилаётган талабларга тўла жавоб берадиган даражада эмас. Бу борадаги масъулият унутилди чоғи, изчиллик йўқолди.

Ёки Оққўрғон районида чиқадиган «Мўл ҳосил учун» газетасини олиб кўрайлик. Унинг саҳифаларидан бирида турли касб эгаларининг номидан бир саҳифа отклик эълон қилинди. Бу жуда яхши, албатта. Хўш, сўнгчи? Сўнг газета узоқ вақт сукут сақлади, бошлаган ишни изчиллик билан охирига етказмади. Тўғри, унинг саҳифаларида «Съезддан-съездгача» рубрикаси остида ғалаба рапортлари, хўжаликлардаги меҳнат муваффақиятлари ҳақида кичик-кичик хабарлар босилиб турибди. Бироқ, буларнинг кўпчилиги ҳар куни бериб бориладиган одатдаги ахборотлардир. Саккизинчи беш йиллик якунлари конкрет хўжаликлар мисолида чинакам таҳлил қилиб берилмаяпти, кўпчилик материалларнинг ёзилиш услуби ва мазмуни бир хил.

«Пахтакорлар овози», «Коммунизм тонги», «Коммунизм учун», «Алмалыкский рабочий» каби газеталарда ҳам қарийб 6 ой давомида эълон қилинган материалларни кўздан кечирганда диққатни жалб этадиган, пухта ишланган, сермазмун мақолалар билан бирга, юзаки, асосан қуруқ рақамлардан иборат, зерикарли материалларни ҳам кўп учратамиз. Ҳозирги деҳқоннинг, оддий ишчи ва зиёли-вакилларининг бой ички дунёсини, маънавий қиёфасини очиб берадиган очерк, лавҳалар жуда кам.

Бошланғич партия ташкилотларининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан қилаётган ишларини кенг кўрсатиб бериш газеталаримиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Лекин, шунга қарамай, деярли кўпчилик район газеталарида партия турмуши юзаки, бир томонлама ёритиляпти. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлик ва сафарбарлик роли ёрқин ифодалаб берилмаяпти.

Кўпгина партия ташкилотларининг коммунистлари ҳозир ўз олдиларига «Съездга нима билан борамиз» деган саволни қўймоқдалар. «Партия турмуши» рубрикаси остидаги материалларда ана шу саволларга жавоблар кенгроқ шарҳланиб, жавоблар ишончли мисоллар билан кўрсатиб берилса мақсадга мувофиқ бўларди. Албатта, бунинг учун кундалик ҳаёт билан ҳамнафас бўлиш, коллектив турмушининг барча томонларини чуқур ўрганиш талаб қилинади.

Ғоявий-сиёсий, тарбиявий иш натижаларини, улар кишилар онги, юриш-туриши, дунёқарашига қанчалик самарали таъсир қилаётганлигини чуқур таҳлил қилиб бериш съездолди материалларининг асосий мазмунини ташкил қилмоғи лозим.

Район ва шаҳар газеталари энг оммавий восита сифатида съездолди социалистик мусобақасини ҳар томонлама кенг ёритишлари, коммунистик қурилиш практикасини изчил тарғиб қилишга меҳнаткашларни юксак ғоявийлик, социалистик ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашга даъват этилгандирлар.

Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг ўсиб бораётган маданий эҳтиёжи ва билим даражаси матбуот ходимлари олдига масъулиятли талаблар қўймоқда, ўқувчилар газета саҳифаларида социалистик жамият ривожига тааллуқли энг муҳим актуал масалалар кўтариб чиқилишини, ўзларини қизиқтираётган масалаларга батафсил жавоб олишни истайдилар. Газетхонларнинг ана шу ҳаққоний талаби газета редакцияларининг кундалик фаолияти диққат марказида туриши керак.

Съездолди меҳнат вахтаси қаҳрамонлари, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун курашаётган азаматлар ишини тарғиб қилиш, дарҳақиқат ғоят масъулиятли вазифадир. Шунинг учун ҳам район ва шаҳар газетасининг ҳар бир ходимидан чуқур ижодий изланиш, қунт ва ташкилотчилик талаб қилинади. Бу мавзу журналистлардан алоҳида масъулият ва маҳорат талаб этади. Ўқувчиларни ўйлашга, фойдали фикр ва мулоҳаза юритишга мажбур қиладиган, уларни янги меҳнат зафарларига илҳомлантирадиган материаллар ўз-ўзидан вужудга келмайди, албатта. Бунинг учун ижодий изланиш, қунт ва сабот кўрсатиш керак. Мавзуни тўғри танлай билиш, унинг замон, халқ ва партия талабларига мос ва ҳозиржавоб бўлишига эришиш ғоят муҳимдир.

Н. НАСИМОВ,
область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

Беркуёш РЕСПУБЛИКАМИЗДА

ҚИШЛОҚЛАРДА ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

НАМАНГАН. Бу йилги янги қурилишнинг биринчи пойдевори Учқўрғон районидаги «Пахтакор» колхозида қўйилди. Бош планга мувофиқ, бу ерда катта ҳозирги замон посёлкаси қад кўтаради. Унда бу йил яна 30 га яқин уйжой қурилади. «Облколхозстрой» трестининг коллективи Наманган областининг бошқа кўпгина хўжаликларида ҳам қурилишни бошлаб юборди. Наманган, Поп ва Учқўрғон районларида учта мактаб бинои қад кўтаради, Наманган районининг Свердлов номли колхозида эса сабзавот базаси бунёд этилади.

Қурувчилар бу йил қарийб 20 миллион сўмлик ишларни бажарадилар. Бу—ўтган йилдагига нисбатан 25 процент кўп.

«РУСТАМ» ЯНА САҲНАДА

АНДИЖОН. Охунбобоев номидаги область музикали драма ва комедия театри Умаржон Исмонловнинг «Рустам» пьесаси премьерасини томошабинларга кўрсатди. Қайта ишлаб чиқилган бу пьеса улуғ Октябрь арафасида Туркистон деҳқонлари ва ҳунармандларининг революцион кураши тўғрисида ҳикоя қилади. Спектакль Андижон театри саҳнасида бундан ўттиз беш йил муқаддам қўйилган эди. У. Исмонлов театрнинг бош режиссёри СССР халқ артисти Аббос Бакиров билан биргаликда пьесани бир мунча қайта ишлаб, тамошабиларга туҳфа қилдилар.

КОНСЕРВАТОРИЯ ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИНИ ОТАЛИҚҚА ОЛДИ

Қарши даштини ўзлаштирувчилар посёлкаси — Толимаржонда икки йиллик маданият ва санъат университети очилди. Тошкент давлат консерваторияси бу халқ университетига оталиқ қилишни ўз зиммасига олди. Халқ университетининг дастлабки машғулотида доцент Ю. Б. Синельников «Коммунистик партия адабиёт ва санъатнинг вазифалари тўғрисида» деган мавзуда лекция ўқиди. Сўнгра консерватория студентлари концерт қўйиб бердилар.

Консерватория муаллимлари ва студентлари янги университетда лекциялар ўқиш учун чўлқуварлар ҳузурига тез-тез бориб туришга қарор бердилар.

(ЎзТАГ).

БЕЖИРИМ ВА ЧИРОЙЛИ

Тошкентдаги 3-тикув фабрикасининг қўли гул чеварлари тикаётган мактаб формалари, хотин-қизлар учун шойи, крепдешин, ип ва бошқа бир неча хил материаллардан тикилаётган миллий кўйлаклар, халатлар, болалар кийимларига талаб катта.

Шуни ҳисобга олиб фидокорона меҳнат қилаётган коллектив зафарлари чакки бўлмаяпти. Масалан, тикувчилар саккизинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари — 19 октябрда бажардилар. Пландагидан ташқари 1 миллион 745 минг сўмлик маҳсулот тайёрладилар.

Беш йилликда меҳнат унумдорлиги 16,4 процент ўсди. 83 минг квадрат метр газлама тежалди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи 162 минг сўмга камайтирилди. Тайёрланган барча маҳсулотнинг 94,1 проценти 1-сортларга қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш резервларидан самарали фойдаланиш ва халқ хўжалигида иқтисодий тежамкорликни кучайтириш ҳақидаги хатидан руҳланган корхона чеварлари маҳсулот сифатини ошириш, таннархини камайтириш ва иқтисод қилинган газламалар ҳисобига кийим-кечаклар тикишга ҳам астойдил ҳаракат қилдилар.

Шу мақсадда ўнлаб ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Бунинг эвазига беш йилликда 83 минг квадрат метр, юбилей йилида эса 14 минг 406 квадрат метр газлама тежаб, улардан 55 минг дона ҳар хил кўйлаклар тикилди.

Фабрикада рационализатор ва ихтирочилик ишлари ҳам диққатга сазовордир. Аввалари ҳар хил турдаги кўйлаклар ҳамда халатларни тикиш ва йўрмалаш ишлари бир неча машинада бажарилиб, бу иш билан икки ва ундан ортиқ ишчи банд бўларди. Илғор новаторлардан Алла Горбачева ва Анна Лигайлар бу операцияларни бир йўла бажариш учун 51 класс машинани қўллашни таклиф этдилар. Бу эса корхона учун 1272 сўм фойда келтирди.

Рационализаторлардан Людмила Ролдугина ва Ольга Ермаковалар ўзбекча шойи кўйлаклар тикиб чиқаришда какетка ва енгни трафарет усулида бичишни жорий этганликлари фабрика учун 17 минг 400 сўм маблағ тежаш имконини берди. Ануфиева, Тўраховаларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашга қаратилган таклифлари туфайли корхона ҳар йили 5 минг 571 сўм фойда олмоқда.

1970 йилда корхона рационализатор ва ихтирочиларидан 48 та таклиф тушди. Булардан 36 тасини ишлаб чиқаришга жорий этиш билан 77 минг сўм жамғарма олинди.

Саккизинчи бешйиллиқдаги ютуқларидан руҳланган корхона аҳли тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили планини 28 декабргача адо этиб, республика савдо тармоқларига пландан ташқари 180 минг сўмлик маҳсулот беришга аҳд қилди.

Шу кунларда фабрика коллективи КПСС XXIV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқда. Корхонадаги ҳамма бригада ва цехлар коллективлари съезд шарафига юксак социалистик мажбуриятлар олиб ишлашяпти. Улар 1 квартал планини 28 мартда адо этиб, пландан ташқари 80 минг сўмлик маҳсулотни реализация қилиб, 30 минг сўм маблағ тежаб қолишмоқчи.

Бу йил ҳам коллектив янги техника ва илғор технологияни қўлланиб, меҳнат унумдорлигини 4 процентга ошириш, 9 минг 500 квадрат метр газлама тежаб қолиш ва ундан 6 мингдан ортиқ болалар кўйлакларини тикишга аҳд қилган. Шу билан бирга биринчи сортли маҳсулот ҳажмини ўтган йилда эришилганига нисбатан 0,4 процент ошириш ҳамда 30 га яқин рационализаторлик таклифларини татбиқ этиб, 40 минг сўм фойда олиш кўзланмоқда. Йил давомида 72 хил янги модель ўзлаштирилади.

Шу кунларда фабрикада илғор ишчилар сафи тобора ўсиб бормоқда. Корхона пешқадамларидан Насриддинова, Шаркунова, Пирвалиева, Дўстмуҳамедова, Пиртова, Хожиева ва бошқа бир қанча чеварлар ҳозирги кунларда келгуси йиллар ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Корхонанинг 30 дан ортиқ чеварисининг шу кунларда 1974 йил, 60 дан кўпроғи 1973 йил ва 100 дан ортиқ илғор ишчилари 1972 йиллар ҳисобига маҳсулот топшириб, ҳисобларини топшириб, ҳисобларини топшириб, ҳисобларини

Тошкент ёғ-мой комбинатида ёғ ниҳоясига етди. У йилига 20 экстракцияси заводи қурилиши минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эгадир. Партия совғалари билан кутиб олиш учун биринчи квартал планидан ташқари 80 минг сўмлик ёғ-мой ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Суратда: Н. Натлева иш устида.

А. Авазов фотоси, (ЎзТАГ).

ПАЙШАНБА — ЛЕКЦИЯ КУНИ

«Ташсельмаш» заводи етакчи мутахассисларининг навбатдаги лекция кунидаги докладлари корхона фаолиятининг иқтисодий характеристикаси, яқин йилларда унинг цехларини реконструкция қилиш планига бағишланди. Ҳафтанинг пайшанба куни лекциялар куни бўлиб қолди.

Январь ойидаги бу кунлар саккизинчи беш йиллик якунларига, халқаро аҳвол масалаларига, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга бағишланди. Лекция ва суҳбатларни «Билим» жамияти завод ташкилотининг юздан ортиқ аъзолари, шунингдек Тошкент фан ва маданият арбобларни, шаҳардаги турли ташкилотларнинг вакиллари ўтказадилар.

(ЎзТАГ).

ДЕҲҚОН МУЛОҲАЗАЛАРИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ТЕРЕШКОВА НОМЛИ КОЛХОЗ РАИСИ **УМРИНИСО ХАСАНОВА** БИЛАН СУҲБАТ.

✦ ✦ ✦

Ердан кўпроқ ҳосил олинган сари деҳқоннинг ҳаваси ортар, «бу чегара эмас» деб олдинга яна интилаверар экан. Дарҳақиқат, ишнинг кўзини билган деҳқон учун чегара йўқ. Чунки ҳосилдорлик меҳнатга, ерга бўлган муносабатга, ерни қадрлашга, умуман деҳқончилик маданиятига боғлиқ.

Деҳқончилик маданиятини, бу касбнинг сирларини билмаган киши ердан кам ҳосил олинса ҳам, бўлгани шу экан, деб қаноатланиб кетаверади. 1963 йилгача бизнинг колхоздаги аҳвол ва баъзи одамларнинг тушунчаси тахминан шу даражада эди. Шунинг учун ҳар гектар ердан 13 центнердан пахта олинганда, бўлгани шу-да, еримиз ёмон, камҳосилли, деб ҳамма айбни ерга юклар эдилар.

1964 йилги ишимиз кўп одамларнинг кўзини очди. Бир йилда ҳосилдорлик гектаригa 8 центнер кўтарилиб, 21 центнергa етди. Бу деҳқонларимизни руҳлантирди. Уларнинг тушунчалари, ерга бўлган муносабатлари ўзгарди. Колхозга меҳр қўйиб, зўр эътиқод билан ишлаш бошладилар. Улар гектаридан 21 центнердан ҳосил олиш бизни колхоз учун чегара эмас, дея бошладилар.

1966 йилга келиб хўжалигимизда ҳосилдорлик 27 центнерга кўтарилди. Умуман уч йил ичида бу соҳада катта қадам ташланди. Ҳосилдорлик илгаригига нисбатан 14 центнер ошди. Шунда ҳам одамлар бу чегара эмас, дедилар. Чунки, улар ернинг қадрига етадиган бўлиб қолдилар, деҳқончилик сирларини тобора кўп ўрганмоқдалар. Техникадан, минерал ўғит ва заҳарли моддалардан мақсадга мувофиқ фойдаланилмоқда. Бултурги юбилей йилида 28,5 центнердан ҳосил олинганда ҳам улар яна, бу чегара эмас дедилар.

Бундан эришилган ютуқлар билан сира қаноатланиб қолмаслик кераклиги яққол сезилиб турипти. Улар ҳамиша илгарига қараб қадам ташлашни истайдилар,— бу бежиз эмас.

Деҳқон меҳнати тобора такомиллашиб бораяпти. Самолётдан тортиб турли-туман қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғитлар, заҳарли моддалар ва бошқалар деҳқонлар ихтиёрида. Демак, ҳозир деҳқоннинг қўли узун, қаёққа чўзса етаверади. Шунинг учун деҳқонлар шу имкониятлар даражасида ишлаб мўл ҳосил етиштиришлари лозим.

Ҳосилдорлик биз деҳқонларнинг мана шу мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдалана билишимизга, ишни уддалай олишимизга боғлиқ бўлиб қолди. Ер, сув, техника, минерал ўғит, ишчи кучлари ҳамма колхозларда ҳам бор. Аммо, ҳосилдорлик ҳамма ерда бир хил эмас. Ҳатто, бир ариқдан сув ичадиган, бир хил ер шароитига эга бўлган хўжаликларда ҳам ҳосилдорлик ҳар хил. Демак, ҳосилнинг кони бўлган она ерга муносабат уларда бир хил эмас. Бири ернинг «сири»ни яхши билади, бири бунга унча эътибор бермайди.

Маълумки, колхозимиз асосан қадимги тўқай, ер ости сувлари юза бўлган ерларга жойлашган. Шунинг учун у жойларда қир ерлардагидек ишлаб бўлмайди. Кейинги йиллар мобайнида ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш учун зовурлар қазилди, улар ҳар уч йилда қайта тозаланиб турилади. **Чунки зах сувнинг экинга фойдаси йўқ, аксинча, ғўзани сарғайтириб, ҳосилини тўкиб юборади. Зах сув ернинг зардоби, уни чиқариб ташлаш лозим. Зах ернинг ҳиди ҳам экинга зарар беришини деҳқонларимиз яхши биладилар. Шунинг учун ерни шамоллатиш, зах ҳидини қочириш мақсадида шароитга қараб бир ёки икки марта ғўза оралари ағдарилмай алоҳида чуқур культивация қилинади. Шунда захнинг ҳиди кетади, зардоби қочади. Ер қизиб ғўза яхши ривожланади.**

Ерларнинг шароити, хусусияти ҳам ҳар хил. Шунинг учун бир хил тадбирни ҳамма ерда бирдек ўтказиб бўлмайди. Ҳар ернинг ўзига хос сири бор.

Хашарот ғўза ўсимлигини бошқа экинларга қараганда яхши кўради. Шунинг учун ҳам биз ғўза ердан униб чиққан заҳоти хашаротга қарши курашни бошлаймиз. Чунки, хашарот кўзанинг ўзагини еса, ҳосилга катта зарар етади, у майда бачки шохлар чиқариб юборади. Шунинг учун ҳам фақат самолётнинг келишини кутиб ўтирилса, деҳқон кўп нарсани қўлдан бой бериб қўйиши мумкин. Шу сабабли биз ҳамма вақт самолёт етиб келгунга қадар тракторлар билан хашаротга қарши дори сепа бошлаймиз.

Хашарот ғўза баргининг устида эмас, остида яшайди. Самолёт билан дори сепилганда ҳам заҳарли моддалар унга яхши таъсир қилмаслиги, бир қисм хашарот ўлмай қолиши мумкин. Шуни ҳисобга олганда, самолёт етиб келгунча хашаротга қарши иш бошлаш маъқул ишдир. Лекин бунда ҳам дори сепадиган аппаратнинг пуркагичини ўзгартириш лозим. Чунки, тракторга ўрнатилган пуркагич пастга қаратилган. Биз эса уни пастдан юқорига қаратиб ўзгартирдик. Шу билан заҳарли дори хашарот яшайдиган баргнинг тагига сепиладиган, хашарот бутунлай қириб ташланадиган бўлди.

Хашаротнинг уяси ер атрофларида, хашаклар орасида бўлади. Шунинг учун эски ерлар, карта атрофлари, зовур ёқаларига қайта-қайта дори сепиб хашаротга қарши мунтазам кураш олиб борамиз.

Илгари тракторчига ишлаган ерининг оз-кўплигига қараб ҳақ бериларди. Шунинг учун тракторчилар кўпроқ юришга ишқибоз эдилар. Ҳозир эса механизатор—звено бошлиқлари юрган йўлга эмас, етиштирган ҳосилига қараб ҳақ оладилар. Шунинг учун улар энди бир вақтнинг ўзида ва бир юришда бир неча хил ишни бажаришга интилмоқдалар. Масалан, ҳозир тракторларга ғўзани культивация, озиқлантирадиган ва суғориш эгатлари очиб кетадиган органлар қўйиб ишлатиш расм бўлиб кетди. Ваҳоланки, илгари механизаторлар шу ишларни бажариш учун уч марта юриб ишлар, гектарини кўпайтирар эдилар. **Ҳосил берадиган ерларнинг ҳам «табиати нозик» бўлади. Ҳадеб бўлар-бўлмасга ер устида тракторларни айлантираверириш фойда бермайди. Ер зичлашади, унинг аҳволи ёмонлашади. Шунинг учун ҳозир тракторни бир юрганда кўпроқ иш қилишга мослаштириш айни муддао ва шу кунимизнинг талабидир.**

Ҳозирги шароитда механизатор — деҳқончиликда етакчи куч. Тўла гектар ҳосил қилиш, ғўзани сифатли парваришлаш, хашаротга қарши кураш ва бошқалар биринчи навбатда механизаторга, фақат уларга боғлиқдир. Илгари механизатор чигитни асосан экиб бўлгач, ернинг четига чигит экишни ёрдамчисига топширар эди. Энди бизнинг механизаторларимиз бундай қилиш мутлақо нотўғрилигини айтмоқдалар. Чунки, ғўза парваришн ернинг четидан бошланади. Агар у ерга чигит нотўғри экилган бўлса, кейин уни ўнглаб, тузатиб бўлмайди. Уларнинг ишдаги маданиятлари, ҳар бир ҳаракатлари ҳосилдорликни оширишда катта роль ўйнайди. Масалан, механизатор бепарволик қилиб тракторнинг мойини оқизиб пала-партиш юрса, маданиятсизлик қилса қанча кўчат нобуд бўлиши мумкин.

Механизаторлар мавжуд техника воситаларидан оқилона фойдаланишлари, ер шароитини ҳисобга олиб, трактордаги иш органларини ўзгартиришлари ёки мослаштириб тузатишлари лозим.

Масалан, бизнинг ер шароитимизда, ҳали айтганимиздек, ер ости сувлари яқин бўлгани сабабли уни қиздириш лозим бўлди. Шунинг учун агротехника совети аъзолари ерни ағдармай культивация қилиб қиздиришни таклиф қилдилар. Механизаторларимиз эса трактордаги иш органини устахонада шунга мослаштириб тузатдилар.

Хуллас, деҳқончилик, деҳқонлар ва механизаторлар маданияти тўғрисида энди кўпроқ ўйлаш, шунга кўпроқ эътибор бериш пайти келди. Чунки, кеча дуруст деб ҳисобланган машиналар бугун талабга тўла жавоб беролмайдиган бўлиб қолаяпти. Одамлар ўсиб улгайяпти, техника тараққий қилаяпти. Илгари икки эгатдаги пахтани терадиган машинани жуда мақтаган эдик. Тўрт эгатдаги пахтани бирдан териб кетадиган «Ўзбекистон» чиққандан кейин аввалги машиналарни «назаримиз илмай қолди». Ҳозир олимларимиз 6 қаторли пахта терадиган, пахтани сортларга ажратиб терадиган машиналар яратиш тўғрисида бош қотирмоқдалар. Ҳозир энг кучли трактор билан 3—4 гектар ер шудгор қилинади. Конструкторлар 20 гектар ерни шудгор қилаоладиган кучли тракторлар яратмоқдалар. Умуман, трактор тезлиги ошиши, иш унуми ортиши лозим. Биз деҳқонлар ҳам, қишлоқ механизаторлари ҳам шу тараққиёт йўлидан боришимиз керак.

Кўп жойларда олдин чигит экилган ерлар олдин ягана қилинади, кейин чигит экилган ерлар кейин яганаланади. Лекин бу ҳамиша ҳам тўғри бўлиб чиқмайди. Ер қизиган, ҳаво исиган вақтда кейин экилган чигит илгари экилганга қараганда тез ва бир текис униб чиқади. Шу сабабли бундай ерларни олдин ягона қилинса ғўза бўйига ўсиб кетмайди. Калта бўгин, ҳосилдор бўлади. Ҳамиша ҳам шундай бўлаверади, деб айтолмаймиз албатта. Ғўзани кўравериб кўзи пишиб қолган деҳқон албатта ўз ишини билиб қилиши зарур.

Бултурги шароитда колхозимизда гектаридан 28,5 центнердан ҳосил олинганидан биз қаноатланмадик. Об-ҳаво қулай келган йилда ҳосилдорлигимиз ўттиз центнердан ошиб кетиши лозим эди. Бунга биздаги сув танқислиги сабаб бўлди. Ғўза айни сув талаб бўлган пайтда сув етмай қолди. Тўғрисини айтганда, колхозимиз тўрт томонимиздаги тўрт колхоздан кейин сув ичади. Бундан ташқари, биз кўпроқ фойдаланадиган «Роватак» ариғининг Қорасувдаги тўғони омонат эди. Область сув хўжалик бўлими ҳозир Қорасувга бетон қилиб тўғон қурмоқда. У битай деб қолди. Энди колхозимиз сув билан тўла таъминланади.

Юқоридаги гаплар ҳаёт мактабидан олган сабоқларимиз. Дала, даладаги ишлар, бизнинг мактабимиздир. Биз кўп нарсани даланинг ўзида, иш жараёнида ўрганаяпмиз. Лекин бу билан қаноатланиб бўлмайди. **Биздаги кўп одамлар ишлаб туриб қишлоқ хўжалик техникумида, институтида ўқиб таълим олишяпти. Ҳозир бригада ва звено бошлиқларидан 7 киши қишлоқ хўжалик техникумида ўқимоқда.** Низом Ҳамедов, Ҳикматилла Қудратиллаев, Маннон Улуғхўжаев колхозимизнинг илғор ва юқори ҳосилли бригада бошлиқларидан. Улар ўз касбларини севишади.

Колхозимиз партия ташкилотининг секретари Абдурахмон Ҳайдаров, бош агрономи Муҳаммадолим Убайдуллаев олий маълумотли агрономдирлар. М. Убайдуллаев сиртдан ўқиб, олий маълумот олди. Колхоз зоотехниги, экономисти ҳам олий маълумотли. Бизда ўқиб билимини ошираётган кишилар кўпайиб бораяпти. Шу кунларда колхозимизнинг ўзида бригада, звено бошлиқларига, колхоз активларига, сувчиларга агротехника ўқуви ташкил этдик.

Биз шонли партиямизнинг тарихий XXIV съезди очиладиган 1971 йилда янги ғалабаларга эришиш учун тайёргарлик кўраяпмиз. Бунинг учун ерни фақат сифатли ҳайдаб қўйиш, ўғит солиш, ариқ-зовурларни тозалаш, техникани ремонт қилиш билангина эмас, балки ернинг тилини, сирини билган кишиларнинг билимини, савиясини оширишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Чунки, техникани ишга соладиган, ундан моҳирона фойдаланадиган, ҳамма ишни бошқарадиган шулардир. Улар билан янги беш йилликда янги марралар учун курашамиз. Эндиликда деҳқончилик тақдирини ўз ишининг моҳир усталари бўлган билимдон, тажрибакор кишилар, қудратли техника ҳал қилади.

ИЛМИЙ МУДИР

Машҳур рус ёзувчиси Лев Толстой»: «Агар ўқитувчи ўз ишига муҳаббат билан кириса, у яхши ўқитувчи бўлади. Агар ўқитувчи ўқувчини фақат ота-она сингари севса, бундай ҳолда у барча китобларни ўқиб чиққан-у, лекин ишга ҳам, ўқувчига ҳам муҳаббати йўқ ўқитувчидан яхшироқ бўлади. Бордию, ўқитувчи ишга ҳам, ўқувчига ҳам муҳаббат билан қараса, у баркамол ўқитувчи бўлади» деган эди.

Чиндан ҳам шундай. Жанти ака Исмоилов ҳам касбини жон-дилидан севган, ўз ишига муҳаббат билан қарайдиган, ёш авлодни севишни, унга таълим ва тарбия беришни энг шарафли касб, деб биладиган педагоглардан.

Моҳир ўқитувчининг педагогик фаолияти бундан 33 йил аввал бошланган эди. Ўша дастлабки меҳнат йилларини у кечагидай яхши эслайди.

— Тажрибасизлик қилиб, педагогикани ташламоқчи бўлгандим. Мактаб илмий бўлим мудири Шукур ака Еқубов мен билан бафуржа гаплашди. «Ҳар бир касбнинг машаққати, ҳузур-ҳаловати бўлади. Ўқитувчилик эса энг шарафли касб, уни эъзозла, бахт топасан» дедилар.

Устознинг дўстона маслаҳати шогирдга далда берди, ўқитувчиликка ҳавас уйғотди.

Ёш педагогнинг тажрибаси орта борди. Кейинчалик 388-мактабга илмий бўлим мудири қилиб тайинланди.

Ўшандан бери Жанти ака турли мактабларда илмий бўлим мудири вазифасида муваффақиятли ишлаб келмоқда. Мактаб раҳбарлигида катта тажриба орттирди. «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонига эга бўлди.

Жанти ака ҳозир пойтахтимиздаги 96-мактабда илмий бўлим мудири. Моҳир педагог бошчилигида методик ишлар қайта кўриб чиқилди ва тегишли тадбирлар белгиланди. Дарс вақтида фойдаланиладиган техника воситалари тартибга солинди. Математика, биология, чет тили каби фанлардан факультатив машғулотлар уюштирилди.

Жанти ака тажрибали илмий бўлим мудири сифатидагина эмас, шу билан бирга отахон ўқитувчи, устоз методист сифатида ҳам таниилди.

Ш. МИРХАБИБОВ.

Суратда: (ўнгда) Ж. Исмоилов ёш ўқитувчилардан Қ. Мамонов, Н. Хўжаевалар билан ўтилган дарсни муҳокама қилаётир.

Ҳ. ШОУМАРОВ фотоси.

ЙЎЛ ВА КЎПРИК

4 мингдан ортиқ аҳолиси бўлган Чанги қишлоғи йил сайин ободонлашиб бормоқда. Бу ерда қатор-қатор янги уй-жойлар, савдо ва маданий-оқартув муассасалари, мактаб бинолари қад кўтарди.

Лекин, аввалларги ердан қор кетиб, қишлоқда баҳор нафаси сезилиши билан аҳоли ташвиши ортар эди. Чунки, баҳор кезларида Паркент сойи тошиб, йўловчиларга анча қийинчилик туғдирар эди. Бугунги кунда инсон иродаси билан бу қийинчилик чекинди. Чанги қишлоғидан Заркент қишлоғигача бўлган, 4,5 километрлик йўл очилди. Йўлга қум, шағал ва асфальт ётқизиш ишлари бошлаб юборилди.

Шунингдек, Чанги билан Ҳисарак ўртасидаги Кумушкон сойига кўприк солиняпти. Бу ишни бажаришда Юқори Чирчиқ район колхозлараро қурилиш ташкилотининг азаматлари катта ҳиммат кўрсатишмоқда. Кўприк ишга тушгач, икки қишлоқ аҳолисининг баҳор кезлари илгари узилиб қоладиган алоқасини қайта боғлайди.

Ҳ. ИНОЯТОВ,
И. ОДИЛОВ.

ҚИШҚИ ЖЎЖАЛАР

Ўзбекистондаги инкубатор-паррандачилик фабрикалари шу йилнинг январь ойида чорак миллион дона жўжа очирдилар. Бу ўтган йилнинг шу вақтида очирилганидан тўрт баробар кўпдир. Фабрикалар ва инкубатор-паррандачилик станцияларидаги инкубаторлар шкаф типидаги янги универсал аппаратлар билан алмаштирилди. Бу эса цех ишчиларига тухумни камерага кирмасдан туриб жойлаштириш имконини беради.

Бу йил республика паррандачилик саноати коллективлари 15 миллион дона жўжа етиштиришни мўлжалламоқдалар. Бу кўрсаткич 1970 йилдагига нисбатан 1,7 миллион дона кўпдир. Февраль ойида инкубатор станцияларида ҳам жўжа очириш бошлаб юборилади.

(ЎзТАГ).

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СУРИЯ АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ УЧИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ

ДАМАШҚ, 1 февраль. (ТАСС). Сурия Араб Республикасининг Министрлар кенгаши халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган учинчи беш йиллик планини тасдиқлади. Планда мамлакатнинг миллий даромадини 5.290 миллион сурия фунтидан 7.845 миллион фунтгача кўпайтириш кўзда тутилади. 5 йил ичида сарфланадиган капитал маблағларнинг умумий миқдори 7.290 миллион сурия фунтини ташкил этади.

«Ал—Баас» газетаси планнинг вазифаларини шархлаб, қуйидагиларни таъкидлайди: Бу вазифаларнинг амалга оширилиши моддий—техника базасини мустаҳкамлашга, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши маҳсулотини кўпайтиришга, Сурия аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга ва мамлакатнинг табиий бойликларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишга ёрдам беради. Планни тузиш вақтида Сурия-нинг Бирлашган Араб Республикаси, Ливия ва Судан Федерациясига қўшилганлиги ҳам эътиборга олинди. Бундан мақсад — федерацияда қатнашувчи давлатлар экономикасини ривожлантиришни мувофиқлаштириб олиб боришга ёрдам беришдир.

ҲИНДИСТОННИНГ МЕТАЛЛУРГИЯ ГИГАНТИ

ДЕҲЛИ, 1 февраль. (ТАСС). Ҳиндистонда Совет Иттифоқининг иқтисодий ёрдами билан Бхилан металлургия заводини қуриш тўғрисида битим имзоланган кунга 2 февралда 16 йил тўлади. Бу завод ёш Ҳиндистон республикасининг индустриал тараққиёти йўлидаги тўнгич корхона бўлди. Бхиландаги завод ҳинд халқининг фахридир. Дастлабки металл эритилганидан бери шарқий жанубий мамлакатларда тенги бўлмаган бу гигант Ҳиндистонга 17 миллион тоннадан ортиқ чўян, 15 миллион тоннадан ортиқ пўлат ва 11,5 миллион тоннадан ортиқ прокат берди. Бу корхонанинг маҳсулотини Японияда, Цейлонда, Ироқда ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларида жуда яхши билишади.

А. ГАРРИМАН НУТҚИ

НЬЮ-ЙОРК, 1 февраль. (ТАСС). АҚШнинг таниқли жамоат ва сиёсий арбоби Аверал Гарриман Совет Иттифоқининг Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш йўлидаги ҳаракатга қўшаётган ҳиссасига юксак баҳо берди. Гарриман яқинда Москвага келган сафарим натижасида Совет Иттифоқи «тўрт давлатнинг бу райондаги можарони тинч бартараф қилиш соҳасидаги самарали гарантияларига қўшилишга тайёр» эканлигига ишонч ҳосил қилдим, деб таъкидлади.

Гарриман шарқи-жанубий Осиёдаги аҳволга ғўтталиб, АҚШ ҳукуматининг ҳозирги сиёсатини танқид қилди. Никсон ҳукумати амалга ошириб келаётган «вьетнамлаштириш» программаси, деб уқтириб ўтди у, «тинчлик сиёсати эмас, балки урушни давом эттириш сиёсатидир». АҚШ деб таъкидлади у, «Жанубий Вьетнамдаги машъум, репрессиячи режимнинг урушқоқлик сиёсатини қўллаб-қувватлашга барҳам бериши лозим.

Гарриман Совет—Америка муносабатларига тўхталиб, бу муносабатларнинг ривожлантирилиши умумий тинчликни мустаҳкамлашда катта роль ўйнаши мумкин, деди. Совет Иттифоқи, дади у, «стратегик қуролланишни чеклаш масалалари юзасидан олиб борилаётган музокаралар ҳаётий муҳим аҳамиятга эга эканлигини тан олмоқда».

Гарриманнинг фикрича, бу музокаралар Совет—Америка муносабатларини «янада ривожлантиришга эришиш учун реал имкониятлар очиб беради».

ЛОС—АНЖЕЛЕС КЎЧАЛАРИДА ҚОН ТЎКИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 1 февраль. (ТАСС). Кеча Лос—Анжеледа полиция репрессияларига қарши норозилик намойиши ўтказилди. Лос—Анжеледа ва унинг атрофидаги районларда яшовчи мексикан миллатига мансуб америкаликлардан беш мингдан ортиқ киши шаҳар кўчаларидан ўтди, шундан кейин улар митингга тўпланишди. Мексикан миллатига мансуб америкаликлар оммавий йиғилиш ва намойишлар ўтказганида полиция ҳар safar уларга қарши куч ва ҳатто қуролдан фойдалаётганлиги, одамларни қамоққа олаётганлиги муносабати билан митинг катнашчилари норозилик билдирдилар. Уларнинг ўртоқларидан уч киши полиция террори қурбони бўлди. Булар «тартиб сақловчилар»нинг ўқидан ҳалок бўлдилар.

Кеча Лос-Анжелес кўчалари яна қонга беланди. Намойишчиларнинг полиция билан тўқнашувлари натижасида бир киши ўлди ва бир неча киши ярадор бўлди.

ЯПОНИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ТОКИО, 1 февраль. (ТАСС). Кеча бу ерда Япония Компартияси Марказий Комитетининг пленуми очилди. «Акахата» газетасининг хабар беришича, пленум маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ва Япония парламенти маслаҳатчилар палатасига ўтказиладиган сайлов муносабати билан партиянинг вазифаларини, шунингдек партия қурилиши вазифаларини муҳокама қилади. Пленумнинг ишида Япония Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, партия префектура комитетларининг раислари қатнашмоқда.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЗАРБАЛАРИ

ХАНОЙ, 1 февраль. (ТАСС). Лонган вилоятида ҳаракат қилаётган Халқ Озодлик Қурролли кучларининг жангчилари январнинг дастлабки 20 куни ичида душманнинг 350 дан ортиқ солдат ва офицерини сафдан чиқардилар. Ватанпарварлар 12 январдан 15 январгача Куанда вилоятида бир қанча муваффақиятли ҳужумлар ўтказдилар. Вьетнам информацион агентлигининг Озодлик матбуот агентлигига асосланиб хабар беришича, Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Хюэ билан Дананг ўртасида душманнинг энг муҳим коммуникацияларини бир неча жойда узиб қўйдилар. 12 та юк машина жангчилари ва ўқ дорисн билан яксон қилинди, ҳарбий юклар олиб кетаётган учта темир йўл состави ағдариб ташланди. Америка—Сайгон жангчилари ўлдирилган ва ярадор бўлганлар билан 150 кишидан ажралдилар.

Халқ озодлик қуролли кучларининг бўлинмалари душманнинг Митхо вилоятидаги 30 та таянч пункти ва базасига зарба бердилар. Душманнинг 170 га яқин солдат ва офицери сафдан чиқарилди, 11 та ҳарбий машина мажақланди, кўпгина миқдорда қурол-яроғ ва ўқ-дори қўлга туширилди.

Америка босқинчиларининг жинояткорона агрессияси

— Жаноб, мен янглишиб далада меҳнат қилаётган деҳқонлар устига бомба ташлаб юборибман...

— Мана бу бомбаларни ортиб учгинда, янглишганингни яна бир карра такрорла!

А. ХОЛИҚОВ
чизган сурат.

ЧИНОРНИ САҚЛАЙЛИК

Кейинги йилларда шаҳар, район марказлари ва аҳоли яшайдиган пунктларни кўкаламзорлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Ҳар йили кузда ва баҳорда кўчат ўтказиш ойлиги ташкил қилинади. Бундай ойликларда минг-минглаб турли мева ва манзарали кўчатлар ўтказилади.

Бу дарахт кўчатлари ичида айниқса чинор дарахти ўзининг соя-салқини, хушбуй барглари ва тана тузилиши жиҳатидан ҳам кўзга ташланиб туради. Чинор дарахти энг кўп яшайдиган дарахтлардан бири. У эрта кўклам-дан то кеч кузгача атрофини соя-салқини қилиб, қишда эса ўзининг осилиб турган шода-шода уруғлари билан шаҳар ва қишлоқларимизнинг ҳуснига ҳуси қўшади.

Чинор дарахтининг мебелсозлик саноатида ҳам аҳамияти катта бўлиб, ундан қиммат-баҳо буюмлар тайёрлашда ишлатилади.

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда бу нобод дарахтнинг кўчатига талаб ортиб бормоқда. Ўзбекистон ўрмон хўжалик давлат комитетига қарашли Тошкент механизациялашган ўрмон хўжалиги пойтахтимизнинг «Ташавтомаш» заводи чегарасидан Оржоникидзе районини кесиб ўтган катта асфальт йўлнинг икки бетига (то Чирчиқ шаҳрини чегарасига қадар) чинэр дарахти кўчатини эккан эди. Чинорлар экилган вақтда йўловчилар ва шу атрофда яшовчи аҳоли жуда хурсанд бўлган, ҳамма кўчатлар яхши кўкарган эди.

Лекин, алоқа ва электр симлари симларига тегиб кетяпти, деб Оржоникидзе район электр тармоқлари ва алоқа конторасн ходимлари томонидан чинорнинг юқори навдалари қўпол равишда кесиб ташланмоқда. Шу туфайли машаққат билан ўстириб экилган чинорларнинг баъзилари қуриб қолган, айримлари эса юқорига бўй чўзиб ўсиш ўрнига букчайиб, формасини ва шаклини йўқотган.

Электр ва алоқа симларини экилган чинорга ҳалақит бермайдиган қилиб ўрнатиш ҳозирги кунда ҳеч ишдан ажаблантиради!

А. НУРХЎЖАЕВ,
Сижжак ўрмон хўжалиги бўлимининг бошлиғи.

ТОШКЕНТ. Рассом Владимир Петров ўттиз йилдан бери ижод қилиб келмоқда. У кўплаб ранг-баранг ва қизиқарли полотнолар авторидир. Мўйқалам соҳибини айниқса ўзбек халқининг сув учун бўлган кураши темаси қизиқтиради. Владимир Петров ўзининг кўп йиллик ҳаракати туфайли «Сув ҳақидаги поэма»сини яратди. Рассом поэмага кирган турли қизиқарли расмларда республикамизнинг область ва районларида самарали меҳнат қилаётган қишлоқ меҳнаткашларининг образини тўлақонли яратиб берган. Айниқса янги ерларни ўзлаштириш йилларида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилган ота-боболаримизнинг портретлари, эндиликда уларнинг ишини давом эттираётган ёшлар образлари ишонарли чиққан.

Ярим асрлик умр кўрган Владимир Петров ҳамон изланишда. У қишлоқларга тез-тез чиқиб далада меҳнат қилаётган оташқалб эгалари билан учрашиб уларнинг зардоб меҳнатини ифодалаб берувчи расмлар чизмоқда. Шу кунлари рассом ўз ижодига мансуб бўлган картиналар виставкасини ташкил этишга ҳозирлик кўраяпти. Суратда: Владимир Петров ўз ижодхонасида.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

КОЛЛЕКТИВ—ТАРБИЯ МАКТАБИ

ПЕДАГОГ МИНБАРИ

Кишилар, маълумки, оилада ёки ишлаб чиқариш коллективида ёши, тажрибаси ва мавқеи жиҳатдан турлича кишилар билан муомалада бўлиб, ҳар хил муносабатларга дуч келадилар.

Ўзаро ўртоқларча ёрдам бериш, бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялаш—коллективизм тарбияси принципининг биринчи вазифасидир. Шунинг учун кўпчилик кўрсатган ижобий таъсир ва меҳнат туфайли ҳар бир шахсда яшириниб ётган куч-ғайрат ва истеъдод коллектив олдида намоён бўлади ва камол топади.

Бугунги илғор совет кишисининг юксак онглилиги, теран ақл заковати, маънавий дунёси ва етук ҳиссиётлари унинг меҳнатида, турмуш қоидаларни фаросат билан адо этишида, жамият тартибларига риоя қилишда, инсон тақдири ва бахт-саодат учун қайғуришида намоён бўлади.

Жамият манфаати ҳар бир кишидан ишда, юриш-туришда, бошқаларга муносабатда коллективни ҳурмат қилишни талаб этгани каби, коллектив ҳам ҳар бир киши учун жавобгардир. Коллектив тарбияси ва таъсирининг роли катта эканини кўрсатиб, Маркс шундай деб ёзган эди. **«Инсон ўз нишоналарини ҳар томонлама ривожлантириш имкониятини берувчи озуқани коллективдан олади».** Атоқли рус педагоги А. С. Макаренко тарбиянинг асосий мазмуни коллектив тарбия эканлигини ҳамиша уқтирар эди. Шу фазилат туфайли ўсмирлар ва ёшларда биродарлик, ватанпарварлик, ўзи ва бошқалар меҳнатини қадрлаш каби коммунистик ахлоқ нормалари қарор топади. Жипслашган ва яхши уюшган коллектив шахснинг энг яхши хусусиятларини муваффақиятли шакллантириш учун қулай шароит яратади.

Тошкентдаги қандолатлар ишлаб чиқарувчи «Шарқ» комбинати коллективини олиб кўрайлик.

— Кимки меҳнат тартибини бузса, ўртоқларини уятга қўйса ёки уларга иснод келтирса, бундай кишилар бизда қаттиқ қораланади, — дейди корхона директори ўртоқ К. Расулев.— Хаталарни ширмай, камчиликлардан кўз юмиб ўтмай, уларни принципиаллик ва юз-хотирсизлик билан ўз вақтида очиб ташлаймиз. Бизда ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Улар ўртоқларининг фикр ва мулоҳазаларига қулоқ соладилар, ўринсиз ориятга бориб ўтирмасдан хатоларни тузатишга ҳаракат қиладилар. Коллектив ишида принципсизлик, шахсий ғараз, бир-бирига ишонмаслик, фисқу-фасод, жавобгарликни йўқотиш каби ҳодисалар бўлмаслиги керак. Ҳар бир кишига ёки ҳодисага ёндошишда тўғри ва ҳаққоний йўл тутиш коллектив обрўсини кўтаради.

Кишиларни етарли асос бўлмаган ҳолда мақташ ёки қоралаш коллектив обрўсини туширади. Коллектив айрим шахсларни тарбиялаш жараёнида ўз-ўзини ҳам тарбиялайди. Унинг ҳар бир аъзоси учун баробар жавобгарлиги ортаборади.

Иззат-ҳурмат шахсга олий маънавий қониқиш беради, қийинчиликларга қарши курашда унинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшади. Ишончни йўқотиш, унинг таънасига дучор бўлиш эса кишига қаттиқ таъсир кўрсатади, уни чуқур ўйлашга ва йўл қўйилган хатонинг сабабларини топиш ва уни тузатиш учун ҳаракат қилишга мажбур этади.

Тошкентдаги тикувчилик фабрикасида ишловчи Муҳаббат Каримова узоқ вақтлар давомида ғийбат, фисқу-фасод ва чақимчилик билан шуғулланиб юрди. Атрофидагиларни менсимади. Ёш ишчи аёлларни ҳақоратлашгача бориб етди. Коллектив унинг яраамас ҳатти-ҳаракатини ошкора юзига айтди. Бу дашном унга таъсир этмай қолмади, унинг кўзи очилди.

Мустаҳкам ва уюшган корхона ёки ташкилотда унинг ҳар бир аъзоси ҳамкасблари ғамхўрлиги ва ёрдамини сезиб туради. Бундай ғамхўрлик кишини янада яхши ишлашга отлантиради, ўз навбатида унда дўстларига бирор фойда келтиришга ҳаракат қилиш, улар учун қайғуриш ҳиссини уйғотади.

Коллективнинг мустаҳкам бўлиши учун энг зарур шартлардан бири, унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро ишончдир. Бу ишонч кишилардаги энг яхши ҳислатларнинг намоён бўлишига ёрдам беради, улар ўз муваффақиятларига фақат жамиятнинг бошқа аъзолари томонидан бевосита кўрсатилган ёрдам туфайли эришганига ишонч ҳосил қилишлари, ўзига нисбатан талабчан бўлишлари лозим.

Коллектив — тарбия мактаби. Унинг пойдевори мустаҳкам бўлиши сиз билан бизга, қолаберса кўпчиликка боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Ж. ТУРСУНХЎЖАЕВ,
педагог.

МУНОСИБ КАСБ ТАНЛАНГ

Мустақил ҳаёт қучоғига илк бор қадам қўяётган йигит-қиз олдида «Ким бўлсам экан» деган савол туради.

Маълумки, ҳар йили ўрта мактабни ўн минглаб ўқувчи тамомлаб чиқмоқда. Аммо, уларнинг ҳаммаси ҳам олий ўқув юртларига кириб ўқишга муяссар бўлавермайди.

Аммо у ёки бу корхонада, колхоз ёки совхозда ишлаб касб орттиришнинг ҳам ўзига ҳос гашти бор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарори билан ёшларнинг ҳунар танлашлари бўйича идораларо республика Совети ташкил этилди. Яқинда ана шу советнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни совет раиси Ўзбекистон ССР Халқ маорифи министри ўртоқ С. Ш. Шермуҳамедов олиб борди.

Советнинг секциялари ҳам тасдиқланди. Секцияларга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш давлат комитетининг раиси Я. Т. Зокиров ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника давлат комитетининг раиси Х. З. Калонов ўртоқлар бошлиқ қилиб тайинландилар.

Ўқувчилар ўртасида касб ва ҳунар танлашнинг ҳозирги аҳволи ҳақида область халқ маорифи бўлимлари мудирларининг ахборотлари тингланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот давлат комитети раисининг ўринбосари ўртоқ З. И. Йўлдошев ёшлар учун пашр этиладиган брошюра, иллюстрацияли қўлланма справочник ва кўргазмали қуроллар ҳақида гапириб берди.

Совет ўзининг бу йилги иш планини ҳам муҳокама қилди.

КИНО МУХЛИСЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН

Янги йил арафасида «Ўзбекфильм» киностудиясининг коллективи, шаҳарлик кино шинавандалар янги совга олишди. «Главташкентстрой»га қарашли 159-трестнинг моҳир қурувчилари Чилонзорда Кинолар уйи биносини қуриб беришди.

300 ўринга мосланган муҳташам бинода кинофильмлар намойиш этиладиган каттакон зал, лекция ва суҳбатлар ўтказишга мўлжалланган хона мавжуд. Кино залига киравершда республикамизда кенг танилган экран юлдузларининг суратлари осилиқ.

Кинолар уйининг ишчан коллективи аҳоли ўртасида кино санъатини кенг пропаганда қилиш йўлида кўплаб ишларни амалга ошириш ниятида. Бу ерда янги суратга олинган бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилиб, талабчан томошабинлар кўригидан ўтказилади. Совет Иттифоқининг серқуёш республикаларида ижод қилаётган таниқли кино режиссёрлар, операторлар, машҳур артистлар билан қизиқарли учрашувлар, суҳбатлар бўлиб туради. «Ўзбекфильм» студияси томонидан лентага туширилган, мардонавор халқимизнинг яратувчилик меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар устида қизиқарли музокаралар олиб борилади.

Яқинда Ўзбекистон Кинематографчилар союзининг ҳужжатли фильмлар секцияси ва Ўзбекистон Журналистлар союзининг Тошкент бўлими ҳузуридаги кино танқид секцияси биринчи кўшма мажлис ўтказишди.

Ўзбекистон Кинематографчилар союзининг раиси Собир Муҳамедов ва республика Журналистлар союзи правлениесининг секретари Ҳамид Тожибоев республика кино ходимлари томонидан тайёрланган янги ишлар ҳақида тўхталиб ўтишди. Кенгаш қатнашчилари ёш киноҳужжатчилардан режиссёр — Г. Шодмоновнинг «Жангчи қиз», режиссёр Г. Резниченконинг «Фарғона боғлари», режиссёр В. Ховенконинг «Табиат ва кишилар» фильмларини томоша қилиб бу ҳужжатли фильмларда кўтарилган масалаларни муҳокама қилишди. Режиссёр Темур Каиповнинг «Ўзинг билан сув келтир» кичик метражли лентасига юксак баҳо беришди. Бу фильм-Қарши чўлини забт этаётган мардонавор ёшларнинг самарали меҳнати ҳақида ҳикоя қилади. Муҳокамадан ўтган тўртала ҳужжатли фильм Бутуниттифоқ экранига қабул қилинди.

Кинолар уйида артист ва режиссёрлар тез-тез меҳмон бўлиб туришади. Яқинда Чилонзор район меҳнаткашлари ёш режиссёр Хўжа Аҳмеров билан учрашишди.

Кинолар уйининг келажакдаги плани бой ва рангбарангдир. Ўзбекистон Кинематографчилар союзи томонидан ойлик календарь плани тузилмоқда. Шу планга мувофиқ бу ерда Иттифоқимизда ва чет элларда намойиш этилаётган бадиий ва ҳужжатли фильмлар муҳокамадан ўтади. Томошабинлар ва фильм яратувчилар ўрталарида учрашувлар бўлиб туради.

Фильмлар уйининг ижодкор коллективи аҳолини экранда пайдо бўлаётган янгидан-янги лента-лар билан хабардор қилиб туришда муносиб ҳисса қўшадилар, деган ниятдамиз.

Ж. ҒУЛОМОВ.

СУРАТДА: Кинолар уйининг умумий кўриниши.
Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНИ

Хонага ўрта ёшларга бориб қолган аёл кириб келди. Унинг йиғидан кўзлари қизарган, энтикиб-энтикиб нафас олар, ҳаяжондан гапни нимадан бошлашни, милиция старший лейтенанти Исҳоқалиев кўрсатган стулга ўтириш-ўтирмасликни ҳам билмасди.

— Қани ,сувдан бир қултум ичиб олинг, тортинманг,— стаканни узатар экан сўз қотди Обид.— Ким ранжитди ётиги билан тушинтиринг.

Аёл хижолат тортиб, кўз ёшларини артди ва стул четига ўтирди. «Кун кеч бўлиб қолган, иш вақти ҳам тугаган бир пайтда қандай мусибат уни бу ерга етаклаб келдийкин», кўнглидан ўтказди старший лейтенант.

Аёл бироздан сўнг ўзини тутиб олиб, муддаога кўчди:

— Ердам бермасангиз бўлмайди, ўртоқ старший лейтенант Майли, қамайсизларми, болалар колониясига юборасизларми, фақат тинч қўйса бўлгани.

— Очиқроқ гапиринг? Тушунмаяпман,— луқма ташлади Исҳоқалиев.

— Кимни бўларди, ўғлимнида! Ишдан қайтсам, оёқда туролмайди, маст. Ўн сўм топиб берсанг, берганинг, бўлмаса уйингга ўт қўйиб юбораман, деб ҳоли-жонимга қўймади. Ҳар куни шу аҳвол. Кийим-бошига бўлайми, овқатигами ёки арағига пул топиб берайми?

Обид пойафзал фабрикаси ишчиси Мария Ивановнинг адресини ёзиб олар экан, хижолатомуз юзланди:

— Бафуржа гаплашолмадик. Ишимиз шундай, бормасам бўлмайди...

Исҳоқалиев Ивановалар уйидан ярим кечада қайтди. Чарчоқдан кўзлари ич-ичига тушиб кетган, кун ниҳоятда совуқ бўлишига қарамай, терлаб пишган. Ҳатто рафиқаси келтириб қўйган озқатга ҳам қайрилиб қарамади, наридан-бери ечинган бўлиб, диванга ёнбошлади.

Эртаси кун чалғ қолган суҳбатимиз давом этди. Обид Ивановнинг ўғли Юрадан иккинчи марта онасини ҳақорат қилмаслик, ичкиликни ташлаб ишга жойлашиши ҳақида тилхат ёздириб олганини айтди-да оҳиста ўз ҳаёти, ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

— Мана бу соат тарихи ҳам қизиқарли,— дейди Исҳоқалиев рақамлар устида аста йўғралаётган соат милига термулганча. —Республика ички ишлар министрининг мукофоти. Огир бир жиноятни очганимиз учун тақдирлашган.

Қизиқсиниб, воқеани батафсил сўзлаб беришни илтимос қилдим.

...Бултур бир тўда муттаҳамлар ўзаро тил бириктириб Тошкент, Сирдарё областлари, шунингдек, Қозоғистоннинг Чимкент области хўжаликларида

МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

ўғирлик қилиб юришгани ҳақида сигнал тушди. Милиция ходимлари ҳарқанча уринишмасин, муттаҳамлар изни яшириб кетишга улгуришарди. Область ички ишлар бошқармасида жиноятчиларни қўлга олиш учун оператив группа тузилди. Группага мени бошлиқ қилиб тайинлашди.

Тўғри, олдинига калаванинг учини қаердан топиш, мол ўғрилари изига қандай тушиш билмай юрдик. Ўғирлиқ рўй берган ўнлаб колхоз, совхозларда бўлишга тўғри келди, одамлар билан суҳбатлашилди. Лекин, афсус, барча уринишларимиз натижасиз тугади.

Куз ойлари бўлса керак, тўсатдан чалинган телефон жиринги уйқумни қочириб юборди. Наридан-бери қийинган бўлиб, идорага йўл олдим. Маълум бўлишича, кеча тунда Жданов номли колхоздан тўрт от ўғирланибди. Тезлик билан оператив группанинг бошқа аъзоларини тўплаб, жиноят содир бўлган жойга йўл олдик.

Муттаҳамлар отбоқарнинг оёқ-қўлини боғлаб, отлар туёғига латта ўраб ҳайдаб кетишибди. Яна ташвишли ва ҳаяжонли дамлар бошланди. Республикамизнинг қатор область ва шаҳарларига қўнғироқ қилиб, йўқолган отларнинг насли, рангги, туси билан орқаворотдан таништирдик, мол бозорларига қўшимча милиция ходимлари бириктирилди.

Ҳарқалай, бу гал кўрган чора-тадбирларимиз зое кетмади. От ўғрилари Чимкент областига ўтиб кетишгани ҳақида хабар олдик. Тезликда у ерга етиб бордик. Ленгер қишлоғида ўғрилар билан юзма-юз келишди. Николай Вербицкий олдинига жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлди. Лекин, кўзи етмади шекилли, ёнидан пичоқ чиқариб менга ташланди. Чап бериб қолишга улгурдим. Отган пичоғи шундай ёнимдан ўтиб, дарахтга санчилди...

Обид Исҳоқалиев жиноятчиларга қарши муросасиз курашувчи милиция ходимигина эмас. Ёш коммунист райондаги мавжуд корхона, ташкилот ҳамда колхоз ва совхозлар билан яқин алоқа боғлаган. Вақтиваҳти билан у ерларга бориб, жамоат тартибини муҳофаза қилиш, совет қонунчилиги ҳақида лекция, суҳбатлар ўтказиб туради. Яқинда Усмон Юсупов номли комбинатда бўлиб, «Жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик роли» деган мавзуда қизиқарли суҳбат ўтказди. Бундай профилактик тадбирлар районнинг «Ленинизм», колхози, Фрунзе номли колхоз, Тимирязев номли совхоз ва қатор бошқа хўжаликларда ўтказилди.

Ҳарқалай, натижа ёмон бўлмади. Бир йил ичида қонунбузарлик ҳоллари анча қисқарди. Бунда милиция старший лейтенанти Обид Исҳоқалиевнинг ҳиссаси каттадир.

— Жамоатчилик, жойлардаги халқ дружиначилари билан яқиндан алоқа боғлаганимиз туфайли шундай натижага эришяпмиз,— дейди Обид.

Обид Исҳоқалиевнинг хизматлари министрлик, область ички ишлар бошқармаси томонидан ўнлаб ташаккурнома ва мукофотлар билан тақдирланган.

Я. САЛИМОВ,
Янгийўл райони.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

● Келес посёлкасида қурилаётган бинолар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Яқинда қурувчилар жамоатчилик асосида чойхона биноси қуриб бердилар. Бундан олдинроқ маданий моллар ва хўжалик моллари магазинлари бунёд этилган эди.

Т. Жўраев.

● Яқиндан бошлаб Оққўрғон қишлоғи хонадонларида ҳам табиий газ ёна бошлади. Ҳозир район хўжаликларини газлаштириш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Район газлаштириш бўлими ходимлари шу йилнинг биринчи квартали мобайнида яна 850 хонадонни тўла газлаштиришди.

Ғ. ТОЖИБОЕВ.

БОЛАЛАРИНГИЗ ТИШИНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Касалнинг олдини олиш уни даволашга нисбатан осондир. Жумладан, тиш ва оғиз бўшлиғининг касалликларини кечиқиб даволаш нисбатан қийин ишдир.

Тиш ва оғиз бўшлиғи касалликларининг олдини олиш учун ҳар бир бола шахсий гигиенага риоя қилиши шарт. Бу билан кариес касаллигининг олди олинади.

Тишларнинг мустаҳкам бўлиши, жағ ва юз суяклари ривожланиб ўсиши оналарга ҳам боғлиқ. Шунинг учун кариес касаллигининг олдини олиш жуда эрта—гўдаклик давридан, яъни сут тишлар ва доимий биринчи молярлар куртагининг ҳосил бўлиши ва уларнинг коронкасида минерал тузларнинг ўтириш давридан олдин бошлаш керак.

Ёш боланинг олдинги тишлар куртаги қотаётган (минерал тузлар ўтираётган) вақтда тўғри ва тўлиқ овқатлантириб туриш, айниқса рахит, ошқозон-ичак ва бошқа касалликлардан сақлаш лозим. Рахит касаллигининг олди олинмаса, бола суяклари, айниқса юз ва жағ суяклари қийшиқ ўсади. Шунинг учун овқат ҳар хил бўлиб, таркиби карбон-сувлар, мойлар, оқсиллар, минерал тузлар ва витаминларга бой бўлиши даркор.

Ёш болалар тишларининг бақувват ва чидамлиги жағ суяклари, чайнов мускуллари ва милкларнинг соғлом бўлишига боғлиқ.

Тиш касалликларидан сақланиш учун оғиз бўшлиғи ва тишни тоза тутиш керак. Шунинг учун тиш чиқа бошлагач, болани овқатдан кейин оғизни 5—6 марта илиқ сув билан чайишга ўргатиш керак. Совуқ сувга нисбатан илиқ сув болаларга ёқимли бўлади. Уч ёшидан бошлаб эса тиш шчеткаларидан фойдаланишга одатлантириш лозим.

Демак, ота-оналар болаларга тиш ювишнинг фойдали томонларини тушунтиришлари ва ўзлари уларга ўрнак бўлишлари керак.

Тишни игна-тўғноғич, сим ва бошқалар билан ковлаш ярамайди. Чунки, тиш эмали сийқаланади—емирилади ва милк жароҳатланади. Овқатдан кейин қаттиқроқ овқатлар, яъни сухари, гўшт, сабзи, бодринг, труп, редиска ва шу кабиларни бериш, чақич чайнаш тавсия этилади. Булар тишни тозалашдан ташқари бола чайнов мускулларини машқ қилдиради.

Баъзи болалар бармоқларини тил ёки лабларини сўришдек ёмон одатларга ўрганадилар. Бундан ташқари, боланинг доим ўнг ёки чап юзини босиб ётиши, қўлини муштум қилиб, унга юзини қўйиб ухлаши, катта бўлгач қошиқ, ручка, қалам ва шунга ўхшаш нарсаларни тишлашга одатланиши жағ суяклари ва тишларнинг қийшиқ ўсишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ота-оналар ўз фарзандларини ҳатти-ҳаракатларига эътибор бериб туришлари шарт.

Болам соғлом ва бахтли бўлсин, деган ота-она фарзандларини ҳар йили 2—3 марта тиш докторига-стоматолог врачга кўрсатиб туриши керак.

Х. ШАМСИЕВ,
медицина фанлари кандидати.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Спорт

КОНЬКИДА ЮГУРИШ. Ленинградда хотин-қизлар ўртасида конькида югуриш бўйича Европа чемпионати совет спортчиларининг ажойиб ғалабаси билан тугади. Ўтган йилгидек бу йил ҳам биринчи ўринни ленинградлик Нина Статкевич эгаллади. Иккинчи ўрин москвалик Людмила Титова, учинчи ўрин ленинградлик Капитолина Серегинага тегди.

ШАХМАТ. Ленинградлик гроссмейстер Виктор Корчной Голландияда ўтказилган йирик халқаро турнирда биринчи мукофотни қўлга киритди. У 15 имкониятдан 10 очко олди. Сўнгги турда Корчной жаҳон чемпионлигига даъвогарлардан бири ГФРлик Р. Хюбнерни маглубиятга учратди.

ФУТБОЛ. СССР Футбол федерацияси президиуми 1970 йил натижаларига кўра мамлакатнинг энг яхши 10 судьяси рўйхатини тасдиқлади. Алфавит бўйича рўйхатга қуйидагилар кирди: К. Андзюлис (Каунас), Т. Баҳромов (Боку), А. Иванов (Ленинград), П. (Казаков (Москва), К. Круашвили (Тбилиси), В. Липатов (Москва), А. Мильченко (Сухуми), Ю. Пономарев (Кишинев), В. Руднев (Москва), А. Цаповецкий (Киев).

● Тошкентдаги «Ёшлик» спорт манежида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари енгил атлетикачиларининг матч учрашуви бўлиб ўтди. Суратда: 800 метрга югуриш ғолиби қозоғистонлик Юра Кос.

Н. НАДЕЖДИН фотоси.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.25 — **Кўрсатувлар программаси,** 18.30 — **«Юлдузча»** тележурнали (ўзбек тилида).

Рус тилида: 19.10 — **«Ахборот»** информацион программаси, 19.20 — **«Фош этиш»** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.45 — **«Ахборот»** информацион программаси, 21.00 — **Ёш ижрочилар концерти,** 21.40 — КПСС XXIV съезди шарафига **«Илғор коллективларнинг социалистик мажбуриятлари».** 22.00 — **Янгиликлар,** 22.10 — **«Қилич ва қалқон»** (бадиий фильм, 3 серия), 23.25 — **Кўрсатувлар программаси.**

23.30 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатувлар программаси,** 18.00 — Ўсмирлар учун. **«Тошкент бўйлаб сайр»** (1-кўрсатув, рус тилида), 18.40 — **«Юлдузли рассом»** (телефильм, ўзбек тилида).

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 — **«Томошалар бошланади»,** 20.50 — **«Йигирма еттинчи тўлиқ эмас»** (телеспектакль), 21.45 — **«Валентин Катаев ҳикаялари».**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/II да **Қалам қошлигим,** 4/II да **Кумуш тўй,** 5/II да **Жон қизлар.**

КИНО

Бонивур қалби (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8.45 минутда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 9 да).

Севги нафосати — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», (кундуз ва кечқурун). «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11.45, кундуз 5, кеч 6.45 минутда).

Яшил халқачалар — «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Йўлдаги хоним — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Директор (2 серия) — «ЧАЙКА» (кундуз соат 1 ярим ва кеч 8 да).

Сайҳа (2 серия) — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз соат 2 ва 4.40 минутда).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3, 4 ФЕВРАЛДА

БУТУНИТТИФОҚ ВАДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ХОРАЗМ «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

VI Жаҳон фестивалининг лауреатлари Гулсара ЕҚУБОВА, Уринбой ОТАЖОНОВ, Онабиби АҲМЕДОВА, Отажон РАЖАБОВ.

Солистлар: Шариф СУЛТОНОВ, Бека ХАНИТОВА, Раъно ЖУМАНИЕЗОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ, Қодир БОБОЖОНОВ ва бошқалар.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Узбекистон ССР халқ артисти — Гавҳар РАҲИМОВА.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

(Сағбон кўчаси, 22-тупик, 43-уй; Миришкор кўчаси, 102-уй)

Тошкент областидаги қурилиш участкаларида ишлаш учун ҳамма мутахассисдаги қурилиш ишчилари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай.

Ишчиларга участка транспорти хизмат кўрсатади.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси ҳамда район юкроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ 16-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ 21 ЯНВАРДА

ТУГАТИЛДИ

Ҳамма даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

№ А—1679. ИНДЕКС — 64697. Р — 02202